



## BUYRUQ

2024-yil 20-noyabr

TOSHKENT

681-H-son

### “Хавфларни бошқариш” қўмитаси тузиш тўғрисида”

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 10 июльдаги “Бюджет маблағларидан фойдаланиш устидан молиявий назоратни кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-100 сонли Фармони ижросини таъминлаш мақсадида **буюраман:**

1. Ички назорат тизимлари фаолиятини йўлга қўйиш ва уларнинг самарадорлигини янада ошириш мақсадида қуйидаги таркибда ишчи гуруҳи билан «Хавфларни бошқариш» қўмитаси тузилсин:

#### Ишчи гуруҳ раиси:

З.Ғ. Нарзуллаев - “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ бошқарув раиси;

#### Ишчи гуруҳ аъзолари:

Х.Н. Рахметов - “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ бошқарув раисининг биринчи ўринбосари;

Ж.З. Юсупов - “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ бошқарув раиси ўринбосари;

Ф.И. Мусалимов - Ички аудит хизмати бошлиғи;

Ф.Ю. Зулфикаров - Коррупцияга қарши курашиш бошқармаси бошлиғи;

У.И. Қиличев - Иқтисодий таҳлил ва прогнозлаш департаменти бошлиғи;

А.Ш. Рахимов - Юридик департамент бошлиғи;

Д.А. Сабилов - Персоналларни бошқариш ва кадрларни тайёрлаш департаменти бошлиғи;

Р.Р. Раҳманбердиев - Киберхавфсизлик бошқармаси бошлиғи;

А.Б. Махмудов - Ахборот ҳисоблаш маркази бошлиғи;

А.Х. Болтаев - “DAS UTY” МЧЖ бош директори в.б.;

2. Қуйидагилар ишчи гуруҳнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

тизим фаолияти ва мақсадли кўрсаткичларга (индикаторларга) эришиш билан боғлиқ молиявий, операцион ҳамда ички назоратга оид аниқланган хавфларнинг рўйхати шакллантирилиши ва янгилаб борилишини таъминлаш;

давлат харидлари тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя этилишини таъминлаш ҳамда аниқланган хавфларни бартараф этиш;

хавфларни аниқлаш ва бартараф этиш бўйича ишчи гуруҳ фаолиятини самарали ташкил этиш;

ҳар чорак якуни бўйича хавфларнинг келиб чиқиш сабабларини таҳлил қилиш ҳамда олдини олиш, оқибатларини бартараф этиш юзасидан ишчи гуруҳ томонидан амалга оширилган ишларни атрофлича муҳокама қилиш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги хавфларнинг юзага келишига имкон берувчи зиддиятларни бартараф этиш, тегишли нормаларни такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш;

хавфларнинг олдини олишни назарда тутадиган истиқболли йўналишларни белгилаш.

3. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг электрон сўровига мувофиқ ишчи гуруҳи томонидан маълумотлар базаси билан ўзаро ахборот алмашувини йўлга қўйиш таъминлансин.

4. “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ ҳамда унинг тизимидаги ташкилотлар томонидан Ҳисоб палатасининг “Масофавий аудит” автоматлаштирилган ахборот тизимидан фойдаланиш тартиби бўйича масъуллар 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ таркибидаги барча департамент, бошқарма, хизматлар, дирекциялар ҳамда барча АЖ, МЧЖларнинг биринчи раҳбарлари ушбу фармон талабларини бажарилишида сўралган маълумотларни ўз вақтида тақдим қилиниши.

6. Ишчи гуруҳ аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига ушбу лавозимга янгидан тайинланган ёки тегишли функцияларни бажариш зиммасига юкланган шахслар киритилиши таъминлансин.

7. Ушбу буйруқ ижроси назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

**Бошқарув раиси**



**З.Ф.Нарзуллаев**